

Ақийда дарслари (205-дарс) Жиннинг имкониётлари инсонниқига нисбатан кўпроқми? (тўртинчи мақола)



00:00 / 30.11.2022 1987

9. Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлишларидан олдин жинлар осмондаги фаришталарнинг гапини ўғрилиқча эшитиб олиб, инсонлардан бўлган ўз яқинларига етказиб турар эдилар.

Аллоҳ таоло Жин сурасида қуйидагиларни айтади:

وَشُهَبًا شَدِيدًا حَرَسًا مِلَّةً فَوَجَدْنَاهَا السَّمَاءَ لَمْسًا وَاَنَا



لَهُ، يَجِدُ الْآنَ يَسْتَمِعُ فَمَنْ لِلْسَّمْعِ مَقْعِدَ مِنْهَا نَقَعْدُ كُنَّا وَأَنَا

رَّصَدًا شَهَابًا ٩

«Ва албатта, биз осмон(га етиш)ни талаб қилдик. Бас, уни кучли қўриқчиларга ва учқунларга тўлган ҳолда кўрдик. Ва албатта, биз у(осмон)да тинглашга қулай жойларга жойлашиб олар эдик. Энди эса ким қулоқ солса, ўзини пойлаб турган учқунга дучор бўладир» (8-9-оятлар).

Яъни жинлар осмонга аввалгидек ғайб хабарларни ўғриликча эшитиш, кишилар тақдирини билиш учун кўтарилганда, тамоман бошқа ҳолатга дуч келганликларини айтмоқдалар.

Жинлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлгунларича, осмонга чиқиб, ўз ҳожатларини раво қилиб қайтардилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий кела бошлагач, осмонни кучли фаришталар қўришга ўтдилар ва жинларни турли жойлардан учқунлар билан қувиб ҳайдадилар. Оятда жинларнинг ана шу ҳолатига ишора қилинмоқда. Иккинчи бир томондан бу оят жинлар бизнинг ер куррамиздан ташқарида ҳам ҳаёт кечириш хусусиятига эга эканлигига далилдир.

10. Жинларнинг таом емоқлари ҳам бор. Аммо уларнинг таомланиши қандай ва унинг моҳияти нима эканлигини билмаймиз.

Имом Муслим ва имом Термизий Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тезак билан

ҳам, суяк билан ҳам истинжо қилманглар. Улар сизнинг жин биродарларингизнинг зодидир», деганлар.

Имом Абу Довуд Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига жинлар ҳайъати келганда: «Эй Аллоҳнинг Расули, умматингизни суяк, тезак ва кўмир билан истинжо қилишдан қайтаринг. Аллоҳ бизнинг ризқимизни ўшаларда қилган», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларни ўша нарсалардан қайтардилар».

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди